



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 57 (13.654)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Кўксарой қароргоҳида "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон ИслоМ Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳалар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги дастурларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Президент Муҳаммад Ашраф Ғани мамлакатларимизнинг Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини ўтказишга оид биргаликдаги ташаббусини рўйбга чиқаришга қаратилган сай-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди, ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШнинг нуфузли делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, биргаликдаги сай-ҳаракатлар Ўзбекистон – АҚШ муносабатларини ривожлантиришга янги суръат бағишлаганини алоҳида таъкидлади. Олий ва юқори даражадаги икки томонлама мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган мунтазам сиёсий мулоқотга юксак баҳо берилди. Савдо, инвестиция ва юқори технологиялар соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда АҚШнинг етакчи компаниялари ва банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва АҚШ афғон моҳирларини тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича жараёни тез фурсатда бошлаш тарафдори экани таъкидланди.

Афғонистон ҳукуматининг мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига қўшилиш бўйича сай-ҳаракатларини

икки томон ҳам қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлагани ва унинг ишида АҚШнинг нуфузли делегацияси иштирок этаётгани учун Президент Дональд Трампга миннатдорлик билдирди.

АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Томас Шэннон ушбу анжуманда қатнашишга таклиф этгани учун Президент Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик изҳор қилди. Мазкур муҳим халқаро тadbирнинг ўз вақтида ўтказилаётгани ва долзарблиги алоҳида таъкидланди.

АҚШ дипломати мамлакатимизда давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти ва иқтисодиёт соҳаларида янги босқичда амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади.

Ўз мамлақати раҳбарияти номидан АҚШ давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТАШҚИ САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдони янада эркинлаштириш, тadbиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун тенг ва қулай шароитлар яратиш, шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва "Ўзстандарт" агентлигининг Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юқлашдан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш тартиб-таътибини бекор қилиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юқлашдан олдин инспекциядан ўтказиш ихтиёрий асосда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юқлашдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига ваколатли орган томонидан халқаро стандартлар талабларига мувофиқ аккредитация қилинган инспекция органлари эга;

инспекция органларининг хизматлари, шу жумладан юк ортишдан олдин инспекциядан ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаш уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда очилган ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарлар сифати, миқдори ва нархларининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУҚда (кейинги ўринларда – Марказ) рўйхатдан ўтган импорт контрактлари шартларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш учун жавобгарлик импорт қилувчининг мансабдор шахслари зиммасига юқлатилади;

давлат божхона хизмати органлари Марказда рўйхатдан ўтган импорт контрактлари доирасида эркин муомалага чиқарилган товарларнинг миқдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Марказга тақдим этади.

3. Давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, тижорат банкларига юк ортишдан олдин инспекцияни ўтказувчи инспекция органини танлаш ҳақида импорт қилувчиларга тавсиялар бериш таъкидлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти "Ўзстандарт" агентлиги ва Давлат божхона кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаш кафолатларини таъминловчи механизмларни жорий этган ҳолда импорт қилувчилар ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда аккредитация объектлари томонидан ваколатли органга ўтказиладиган тўловларни ундириш шартлари ва миқдорларининг танқидий қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, Марказ фаолияти соҳаси тadbир этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харидларини ўтказиш (харид тартиб-таътибини бажариш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) бўйича ихтисослашган ташкилотни танлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ўрнатиладиган талабларга жавоб берадиган ихтисослашган ташкилотлар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бир ой муддатда давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талабларни, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш доирасида ихтисослашган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхатини ўрнатилган тартибда белгиласин.

7. "Ўзстандарт" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 24 март

## ТОШКЕНТ – АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида 26 март куни

пойтахтимизда "Европа Иттифоқи – Марказий Осиё" форматда ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳманов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вепа Хаджиев ва Еврокомиссия президенти ўринбосари, Европа Иттифонининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини минтақалараро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Афғонистон Евроосиё минтақасидаги ноёб стратегик ва

трансчегаравий имкониятларга эга мамлакат сифатида Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Минтақа халқларини умумий тарих, дин, маданият ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига Хинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўл орқали чиқиш, Хиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва бошқа минтақалар билан боғлаш имконини беради. Шу боис нафақат Марказий Осиё, балки қўшни минтақалардаги барқарорлик ва изчил тараққиёт Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий ва транспорт инфраструктурасини тиклашига кўмаклашиш тарафдори эканини билдирди. Давлатимиз раҳбари энг нуфузли минбарлардан туриб, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



Томас ШЭННОН:

## ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИАТИНИНГ АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон минтақа давлатлари, хусусан, Афғонистон билан ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда. Шу кунларда пойтахтимизда "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Унда иштирок этиш учун келган АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас ШЭННОН бу ҳақда ЎзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро қўшнилик алоқаларини мустаҳкамлаш, чегара, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга тезкор ечим топиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев билан бугунги учрашувни ўзим учун шараф, деб биламан. Сухба-

тимиз кенг қамровли ва жуда мазмунли ўтди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатнинг тинч ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари билан суҳбатда шу масалада ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқдик.

Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференциясида йирик давлатлар қаторида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам ташқи сиёсат маҳамалари раҳбарлари иштирок этаётгани ушбу муаммони ҳал этишга халқаро миқёсда нақадар кенг ёндашилаётганини кўрсатади.

З.ЖОНИБЕКОВ  
ёзиб олди

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИГА АФҒОН ХАЛҚИ КАТТА УМИД БОҒЛАМОҚДА

Пойтахтимизда ўтаётган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида ЎзА муҳбирлари анжуман иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Кувончбек ТААБАЛДИЕВ, "Кабар" Қирғизистон миллий ахборот агентлиги директори: – Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида, аввало, қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратади. Кейинги пайтда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашаётгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, Қирғизистон Республикаси билан ҳамкорлик янги мазмун билан бойимокда.

Тошкент халқаро конференцияси ҳам бундай илқ муносабатнинг яна бир ёрқин далилидир. Ўзбекистон афғон заминда тинчлик ўрнатиш бўйича энг кўп қайғураётган давлат ҳисобланади. Бугун

(Давоми 2-бетда)

# ТОШКЕНТ – АФГОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида халқаро конференциядаги нутқларида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратибдан воз кечиш, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарурлиги, қўшни мамлакатдаги тинчликка фақат музокара билан эришиш мумкинлигини таъкидлади. Зеро, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Президентимиз шу нуктаи назардан жазон афкор оммаси эътиборини афғон можаросини ҳал қилишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий қучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканига қаратади.

Халқаро таҳлил марказлари қайд этганда, Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилаётган юқори даражадаги халқаро конференция Афғонистоннинг янги ташқи сиёсати стратегиясининг амалий натижаси сифатида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро микроскопдаги қўшма саъй-ҳаракатларга кенг йўл очади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон – Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантиришда изчил ўсишга эришилди. 2017 йилда мамлакатларимизнинг дўстона муносабатлари томонлар ҳамкорлиги учун янги истиқбол эшикларини очди. Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари биргаликдаги

ҳамкорликка янги суръат бағишлади. Президентлар дўстона, самимий ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга эришди. Ўтган йил декабрь ойида Афғонистон Президенти Ашраф Ганининг Ўзбекистонда ташрифи икки давлат муносабатларида янги саҳифа очди.

Ташриф якунига кўра, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид 20 ҳужжат имзоланди. Хужжатларнинг аксарияти нафақат Афғонистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этди. Жумладан, Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан "Мозори Шариф – Ҳирот" темир йўли ва "Сурхон – Пули Хумри" электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистон иқтисодий ривожланиши ва афғон халқи турмуши яхшиланишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга дўстона муносабати, мамлакатимизнинг афғон халқига кўмаклашишга тайёр экани рамзи сифатида Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилди. Марказда айни пайтда афғонистонлик 96 йигит-қиз таҳсил олмақда.

Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро мулоқот фаоллашди. Ўтган бир ярим йил ичида Афғонистондан мамлакатимизга 20 дан ортиқ делегация ташриф буюрди. Қайд этиш кераки, бундай кўламдаги делегациялар алмашувчи ўзбек – афғон муносабатларида илгари кузатилмаган. Буларнинг барчаси икки томонлама ҳамкорликка янги қадам шукҳ бағишламоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига гоят муҳим ҳисса бўлиб қўйилади. Чунки бу нуфузли форумда бошқа конференциялардан фарқли ўларок, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиши кўтилмоқда. Унда иштирок этиш учун 25 давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари Тошкентга келди.

Учрашувда, шунингдек, минтақада иқтисодий, ҳудудлараро йўналишлардаги ҳамкорликни, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, илмий ва таълим соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда Афғонистондаги аҳволни барқарорлаштириш ва пойтахтимизда ўтказилаётган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференцияси арасида ушбу давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, уни ҳудудий иқтисодий ва инфраструктура алоқаларига жалб қилишга доир саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича фактор алмашилди. Шу билан бирга, 27 март куни Ўзбекистон пойтахтида иш бошлаган Афғонистон бўйича юқори даражали халқаро конференциянинг делегация раҳбарларига киритилган афғонистон декларацияси дунё ҳамжамиятини ташвишга солиётган глобал муаммони бартараф этиш йўлидаги гоят улкан қадам бўлиши таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашувини жорий йилнинг иккинчи ярмида Брюссель шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президентининг минтақада барқарорликни таъминлашга доир ташаббуси Афғонистондаги вазиятни тинч музокара билан ҳал қилиш учун шарт шарт қилиш дунё ҳамжамиятининг ҳам хоҳиш-истаги экани ва келгусида Марказий Осиё бўйлаб истиқболли ҳамкорлик муҳитини яратишдан далолатдир.



● Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмларда мuddатли ҳарбий хизматни ўташга жалб қилинган аскарлар қасамёд қабул қилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирларда ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани маркази – Деҳқонобод шаҳарчасида янгидан барпо этилган замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 3 миллиард 800 миллион сўмлик ушбу спорт мажмуаси "Гулистон мадад қурилиш" хусусий қурилиш корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Замонавий мажмуа – 18x42 ҳажмдаги спорт зали ва спорт ўйинларига мослашган минг томошабин ўринли стадиондан иборат бўлиб, болаларнинг бир қатор спорт турлари билан шугулланишлари учун барча зарур шартитлар яратилган.

● Термиздаги "Termiz kargo" экспорт марказида Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё ва Афғонистон Исломи Республикасининг Балх вилоятлари товар ишлаб чиқарувчиларининг кўргазма-ярмаркаси ўтказилди.

● "Кўконт механика заводи" акциядорлик жамиятида янги турдаги маҳсулотлар – қишлоқ хўжалиги, фермер, бобон ва деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа ер эгалари, паррандачилик, балкичилик ҳамда чорвачилик тармоқлари учун замонавий технологиялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда жамиятда нефть ва газ sanoati учун 40 турдан ортиқ эҳтиёт қисмлар, настандарт ускуналар, ўндан ортиқ босим остида ишловчи сизимлар, хўжалик газ баллонни, иситиш қозонлари тайёрланмоқда.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Учкўрғон туман ўқув спорт-техника клубида янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

● Жиззах вилоятида "Обод қишлоқ" дастури доирасида яна бир манзил – Фориш туманидаги Оқтом қишлоғида ҳам қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари бошланди. Дастурга мувофиқ, қишлоқ гузари ва фуқаролар йиғини биносини қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бундай кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Оқтомни кундан-кун обод ва кўркам қишлоққа айлантирмоқда.

● Австралиянинг "QANTAS" авиакомпанияси томонидан илк бор яшил кўладан Европага бевосита парвоз амалга оширилди. Австралиядан парвоз қилган 232 йўловчи сизадиган "Боинг-787" русумли замонавий авиалайнер Лондоннинг Хитроу аэропортига етиб бориши учун 14484 километр масофани босиб ўтди ва бунга 92 тонна ёқилғи сарфланди.

● Швециялик ҳужумчи, машҳур футбол юлдузи Златан Иброҳимовичнинг шу ҳафтада Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби билан хайрлашиши тўғрисида хабар берилди. "Кизил иблислар" устози Жозе Моуриньо уни АҚШ лигаси (MLS) даги бирор клубда тўп суриши шarti билан қўйиб юборишга рози бўлган. Айни кезде Златанни "Лос-Анжелес Гэлакси" клуби ўз сафига қўшиб олишга яқин турибди. Таъкидлаш жоизки, Златан ўз вақтида Нидерландия, Италия, Испания ва Франция чемпионатларида зафар қучган, 11 карра Швециянинг энг яхши футболчиси дея тан олинган.

● Расмий Вашингтон алюминий ва пўлат импортига оширилган божларнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Аргентина, Бразилия ва Жанубий Кореяга нисбатан қўлланилишининг вақтинчалик орқага сурилишини маълум қилди.

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИГА АФГОН ХАЛҚИ КАТТА УМИД БОҒЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон афғон муаммосини ҳал қилиш юзасидан ташаббусларини нафақат сўзда, балки ўзининг амалий саъй-ҳаракатлари орқали ҳам намоён этишга ҳаракат қилмоқда. Баъзи давлатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистон ўз эътиборини Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратиб, бу борада халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга интиломоқда.

Ўзбекистон том маънода Марказий Осиёдаги стратегик давлатга айланмоқда. Қўшнилар билан яқин ҳамкорлик қилиш, дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

**Фазель АХМАД ЯЛГУЗ, Би-Би-Сининг Кобулдаги ўзбек хизмати муҳбири:**

– Биз ўзбек тилида минтақага, қўшни давлатларга оид материаллар тайёрлаймиз. Афғонистонда яшаётган ўзбеклар учун кўпгина шартитлар яратилган. Ўзбек тилида кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Мактабларда ўзбек тилида дарс ўтилади. Ўзбек миллиятига мансуб аҳоли таълим, тарбия, иқтисодий йўналишларда меҳнат қилмоқда.

Тошкент ҳақида кўп эшитган, интернетда ўқиган бўлсам-да, аслида у янада мафтункор ва чиройли шаҳар экан. Юртингиз жуда гўзал мамлакат, айниқса, бу ерда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ҳавосининг ёқимли экани ҳавасини келтирди. Одамларнинг маданияти, меҳри кўнглимини қувнатди. Бир ҳафта шу ерда қолмоқчиман. Ниятман, бизнинг Афғонистонимиз ҳам Ўзбекистон сингари тинч бўлсин, ривожлانسин.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган Тошкент халқаро конференцияси ижобий натижа беришига ишонаман. Ахир, бу ҳамкорликка жафоасиз афғон халқи катта умид боғламоқда.

**Содиқ САФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари:**

– Афғонистон турли минтақалар туташган муҳим нуктада жойлашган. Бу мамлакат Европа ва Осиё, жумладан, Марказий Осиё ўзаро фаол муносабатлар ўрнатадиган муҳим кўприк вазифасини бажариши мумкин. Аммо бу заминда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган тинчлик бунга имкон бермаётир. Аксинча, бу мамлакат нафақат нотинч, балки халқаро терроризмни молиялаштираётган, наркотик моддалар етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳудуд бўлиб қолмоқда. Наркотик моддалар савдосидан, халқаро терроризм давом этишидан манфаатдор қучлар айнан шу жаҳонни молиялаштириб келаётгани сир эмас.

Тошкент конференциясида бу муаммога, албатта, эътибор қаратилади. Муаммонинг нафақат сабаблари, балки уни бартараф этиш йўллари бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланади. Ўзбекистон наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига чек қўйиш бўйича Афғонистон билан ҳамкорлик қилишга доим тайёр. Чунки бу глобал миқор касб этган муаммони афғон халқи ёлғиз ўзи ҳал этиши қийин. Наркотик моддалар етиштирилишига барҳам берилиши эса халқаро терроризм илдизларига ҳам пўтур етказида.

Айни пайтда бу мамлакатда сақланиб турган хавфли ҳолат нафақат афғон халқини, балки унга қўшни халқларни ҳам хавотирга қўймоқда.

Тошкент конференциясида Афғонистондаги барқарорликка сабаб бўлаётган мана шундай муаммолар кўтарилди ва бунга жазон жамоатчилиги эътибори қаратилди. Ишончким, хайрли мақсадга хизмат қилувчи Тошкент конференцияси овозини бутун дунё эшитида.

**Мухаммад ЖАВЕД ЧАУДРИ, Покистоннинг "Express News" телеканали сиёсий ток-шоулар бошловчиси ва муаллифи:**

– Биз Афғонистонда тинчлик ҳукм суришидан, қўшничилик муносабатлари ўрнатишдан жуда манфаатдоримиз. Негаки, Афғонистон маҳсулот айланмасининг 80 фоиздан ортиғи Афғонистон – Покистон транзит йўли орқали амалга оширилади. Денгизга тўғри чиқиш йўли бўлмаган Афғонистон кенг турдаги маҳсулотларни Покистон орқали олади. Бу юртдаги сиёсий муаммолар бизга ҳам албатта ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ўз юртининг, халқининг кўп вакили сифатида айтишим мумкинки, Исломобод ва Кобул муносабатларининг яхшиланиши икки давлат фуқароларининг чегарадан ўтиши юзасидан вақти-вақти билан юзгага келиб турадиган шикоятларни бартараф этишга ҳам асос бўлади.

Шу ўринда Афғонистонга тинчлик ўрнатиш учун кўмак бераётган Ўзбекистон ҳукумати ҳам миннатдорлик билдираимиз. Покистон аҳолисининг аксарияти ўзбек тилини яхши билади ва мамлакатингиздаги илхотларни қузапти боради. Улар Ўзбекистонга саёҳат қилишни жуда хоҳлайдилар. Биз урф-одатлари, анъаналари, ҳаёт тарзи бир-бирига ўхшаш халқларимиз. Келгусида Покистон – Ўзбекистон алоқалари янада кенгайиши ва сайёҳлик йўналиши ривожига ўз ҳиссамни қўйишни мақсад қилганман.

**Дипанжан РОЙ ЧАУДУРИ, Ҳиндистоннинг "The Economic Times" газетаси бош муҳаррири ўринбосари:**

– Мен Ўзбекистонга биринчи марта олти ой аввал сайёҳлик йўналишида оилам билан келган эдим. Энди эса Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун келдим.

Қайд этиш жоизки, бу анжуман ўзининг салмоғи жиҳатидан жуда муҳим. Чунки, унда дунёнинг йирик давлатлари Россия, АҚШ, Хитой вакиллари битта стол атрофида жамланмоқда.

Энг муҳими, бу борада Афғонистоннинг ҳам позицияси аниқ. Юртда тинчлик ўрнатиш учун афғон халқининг ўзи ташаббус билан чиқмоқда. Зеро, ҳеч қандай ташқи қуч Афғонистонда тинчликни тўлиқ таъминлай олмайди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан Ҳиндистон ҳам манфаатдор. Негаки, бу икки давлат ўртасида ҳозирга қадар очилмаган янги қирралар, яъни иқтисодий соҳаларни ривожлантириш имконияти яратилади. Шунингдек, бу давлатдаги тинчлик-осойишталик Марказий Осиё давлатларининг тўғридан-тўғри хавфсиз бозорга кириб бориши учун йўл очади.

**Сайёра ШОЕВА, Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди**

**Нотинчлик, беқарорлик бўлган жойда кўпроқ халқ, оддий одамлар жабр чекади. Ахир, тинчлик бўлсагина инсон хотиржам яшайди, орзу-умидлар қилади. Шу жиҳатдан афғон халқи узоқ йиллардан бери мамлакатдаги беқарорликдан азият чекиб келади. Ана шундай шароитда ўсиб-улғайган афғонистонлик ўзбек қизи Асила Набизода ҳам ўз юртида тинчлик ўрнатилишини доим орзу қилиб келган.**

## ТИНЧЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАН АФГОНИСТОНЛИК ЎЗБЕК ҚИЗИ

"Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясини бевосита кузатиш учун Тошкентга келган А.Набизода биз билан сўхбатда ўз ватани тақдирини дахлдор бундай нуфузли конференция ташкил этилганидан жуда мамнун эканини изҳор қилди.

Афғонистоннинг Самангон вилоятида туғилиб ўсган Асила ўзбек қизи бўлгани учун ҳам Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳаётини катта қизиққиш билан кузатган.

– Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт, халқнинг фаровон турмушига доим ҳавас билан қараганмиз, – дейди у. – Айниқса, бу заминда катта шукҳ билан ўтадиган байрамлар, сайлаларни телевидение орқали оилавий томоша қилардик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини Ислом Каримовга ота-онамининг ҳурмати жуда баланд эди. Бу инсон афғон муаммоларига доим эътибор қаратган, афғон халқига ёрдам беришга ҳаракат қилган. Бу эзгу ишларни Президент Шавкат Мирзиёев янада катта гайрат билан давом эттираётганидан жуда мамнунмиз. Афғонистонга оид конференцияни ташкил этишдаги ташаббуслари учун Шавкат Мирзиёевдан барча афғонистонликлар миннатдор. Конференцияни бевосита кузатиш учун бизга имконият яратиб берилди. Айни пайтда интернет орқали конференция доирасида бўлаётган воқеалар ҳақида Афғонистондаги яқинларимиз билан мулоқот қилиб турибмиз. Халқимиз ҳурсандчилигининг чеки йўқ, Афғон халқи конференцияда катта натижаларга эришилишидан жуда умидвор.

Асила Набизода Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Ашраф Ганининг 2017 йил декабрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказини ташкил этиш бўйича имзоланган битим доирасида айни пайтда Термиз давлат университетига ўзбек тили ва адабиёти факультетининг бакалавр йўналиши бўйича таълим олаётган 96 афғонистонлик талабадан бири.

Фурсатдан фойдаланиб, у Ўзбекистонда таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар учун миннатдорлик билдирди, таълим бериш услуби юқори даражада эканини алоҳида таъкидлади. Асила ўз юртига бориб, ўзбек тили ва адабиётдан нафақат ўқувчиларга таълим бериш, балки Ўзбекистон тарихи, маданияти, бой анъаналари билан уларни таништиришни мақсад қилган.

(ЎЗА)

**Олмазор туманидаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ва Чилонзор туман Кенгаши ҳамкорлигида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни спортга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида велоспорт мусобақаси ташкил этилди.**

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

Мусобақа 12 ёшдан 18 гача бўлган ўсмир болалар ўртасида бўлиб ўтди. Унда ёшлар, спортчилар ва партия фаоллари иштирок этди.

Спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар мамлакатимизнинг дунё миқёсида обрў-эътиборининг ошишига хизмат қилмоқда. Спортчиларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, кўллаб халқаро турнирларда шохсупанинг юқори поғоналарини эгалламоқда. Бу муваффақиятлар соҳани ривожлантиришнинг яхлит тизими яратилгани, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ишига давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилаётгани самарасидир.

– Мусобақада эришилган галаба менга кувонч бағишлаши билан бирга тинимсиз ҳаракатларим зое кетмаганлигини кўрсатди, – дейди Шерзод Ходжаев. – Эндиликда машгулотларда янада тобланишим ва устозларимдан керакли билимларни чуқурроқ ўрганишим зарур.

Бугун Президентимиз раҳнамолигида жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, шу билан бирга соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қиладиган, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етишида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган ва замонавий талаблар асосида жиҳозланган болалар спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, спорт заллари ва майдонларнинг ўрни бекиёсдир.

– Ёшларга бугунги кунда яратилаётган шарт-шароитлар ва ҳозирда спортнинг соғлигимиз учун аҳамияти катта эканлиги барчамизга аён, – дейди халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Шерзод Эшназаров. – O'zLiDeP томонидан велоспорт бўйича мусобақа ташкил этишдан мақсад ҳам, ёшларни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашга ҳисса қўшиш билан бирга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Тadbир сўнггида голибларга партия томонидан эсдалик совғалари топширилди: Хулоса ўрнида айтиш жоизки келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом этиб вояга етказиш барчамизнинг бурчимиз.

**Муроджон ЎРИНОВ,**  
O'zLiDeP Тошкент шаҳар  
Кенгаши матбуот котиби

**2018 йил – Фаол тadbиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида сифатли мактабгача таълимни кенгайтириш учун имконият яратишга инновацион ёндашув” мавзусида анжуман бўлиб ўтди.**

Тadbирда сўзга чиққан мактабгача таълим вазири А.Шин, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари С.Грауманн ва бошқалар юртимизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан кенг қўламли ишлар изчиллик билан олиб борилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Бугунги кунда юртимизда мактабгача таълим тизимининг илк ва асосий бўғинини ривожлантиришга доир бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ушбу соҳадаги ишлар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан бу йўналишда бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, боғчаларнинг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини яхшилаш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб юртимиз ҳудудларида таъриба тариқасида давлат-хусусий сектор шериклик шартлари асосида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди.

Давлат-хусусий сектор шериклик механизми замонавий ва дунё стандартларига жавоб берадиган ҳаммабоб мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни кўп йиллик муддатга бегараз ажратиши кўзда тутади.

Инвесторлар томонидан ташкил этилиши кўзда тутилган мактабгача таълим муассасаларида давлат ва таълим стандартлари талабларига, санитария-гигиена ва бошқа меъёрларга риоя этиш, келишувга амал қилишнинг бутун муддати давомида фаолият кўрсатиш нарҳининг мақбул, арзон ва шаффофлигини таъминлаш учун масъул бўлиш назарда тутилмоқда. Бугунги кунда инвесторларга иқтисодий имтиёзлар яратилиб, пойтахтимиздаги давлат мактабгача таълим масканларига тadbиркорлик субъектлари билан давлат-хусусий шерикчилик талабларига мос озик-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга руҳсат берилди.

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим хизматларининг самарали механизмларини жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу

эса давлат билан инвесторлар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг мажбуриятларини ҳамда давлат томонидан бериладиган кенг солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар, шунингдек, имтиёзли кредит ажратиш, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандларини тарбиялаш бўйича квоталар масаласи ечими каби жиҳатларни қамраб олади.

– Ушбу анжуман юртимизда сифатли мактабгача таълим тизими имкониятларини кенгайтириш, истиқболларини белгилаш, болаларга қулай шарт-шароитлар яратиш, таълим-тарбия жараёнига инновацион тажрибаларни жорий этишга кўмаклашиш каби мақсадларни қамраб олганлиги билан ҳам эътиборга моликдир, – дейди Мактабгача таълим вазирлигининг матбуот котиби Тўраев.

Анжуман иштирокчилари давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик орқали Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш усуллари ҳамда мактабгача таълим фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини муҳожама қилдилар.

Шунингдек, мамлакатимизда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини амалга оширишнинг ташкилий масалалари ва технологияларини кўриб чиқдилар ҳамда таълим ва ривожланиш муҳитини яхшилаш бўйича тавсиялар бердилар. Халқаро экспертлар ушбу соҳадаги илгор тажрибаларни иштирокчиларга тақдим этишди.

– Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини тўбдан ислоҳ этишга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовордир, – дейди Жанубий Кореянинг Пучон университети профессори Ли Донг Вук. – Бизнинг мамлакатимиз ушбу соҳада кўп йиллик таърибага эга. Жанубий Корея ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиши кутилган ижобий самарани албатта беради. Зеро, болаларнинг истиқболли эртаси учун мустақам замин яратиш ҳар бир давлатнинг ёрқин келажагидан далолатдир.

Анжуманда билдирилган тақдир ва тавсиялар таълимнинг ушбу тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, боғчаларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, болаларнинг боғчага қамровини ошириш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Акмалов сўзга чиқди.  
Гулчехра ДУРДИЕВА

## ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ВА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

**Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири саналади. Чунки у орқали аҳоли ўртасида иқтисодий муносабатлар ўрнатилди ва одамларнинг моддий эҳтиёжлари қондирилади. Жорий йилнинг январь-февраль ойида Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари томонидан 2 186,4 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 99,4 фоизни ташкил этди.**

Жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари куйидагича. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 922,5 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 42,2 фоиз, ноозик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1184,8 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 54,2 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ўсишга эришилди. Январь-февраль ойида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 4 243,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,1 фоизни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-февраль ойида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш 13,4 млрд. сўм, ишлаб чиқарадиган саноат 3802,2 млрд. сўм. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавонини кондициялаш 312,2 млрд. сўм. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 115,7 млрд. сўмни ташкил этганлиги кузатилади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЎЛОВЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИНГ!

**Бугунги кунда техника тараққийетида янгидан-янги замонавий технологияларнинг кириб келаётганлиги сабабли ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасини электр энергиясисиз тасаввур этиш қийин ва ҳар бир жараёнда электр энергияси жуда муҳим ўрин тутди.**

Электр энергиясидан фойдаланиш учун электр энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилиши, бу электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш, уни беҳуда сарфламаслик ва ундан оқилона тежаб-тергаб фойдаланишда давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир. Электр энергияси учун корхона, ташкилот ёки хонадонда ўрнатилган электр ҳисоблагичлар орқали истеъмол қилинган электр энергияси сарфи миқдори билан белгиланган кўрсаткич бўйича тўланади.

Электр энергияси тўловларини амалга оширишда пластик карточкалар жорий этилганидан буён тўловлар терминаллар орқали амалга оширилмоқда.

Агар электр энергияси тўловларини ўз вақтида амалга оширилмас, электр таъминоти электр энергияси муассасаси ходимлари томонидан тармоқдан узиб қўйилади. Электр энергияси тўловларини Мажбурий ижро бюроси орқали ундириш чора-тadbирлари кўрилади.

Истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, яъни электр энергияси ҳисоблагичларидан ташқари уланши ёки ҳисоблагичларни атайлаб тўхтатиб қўйиш, электр тармоқларига пайвандланиш ва бошқа электр ускуналарини ўзбошимчилик билан тўғридан-тўғри улаб олиш ҳолатлари қонунбузарликлар содир этилиши аниқланса, улар ҳақида материаллар тайёрланиб, белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади ва шахсларга тегишли чоралар кўрилади.

Электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилган. Мазкур қонуннинг 32-моддасида кўрсатилганидек, электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бу жавобгарлик юридик ва жисмоний шахслар томонидан корхона, ташкилот ёки хонадонларда қонун талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланадилар.

Ҳозирги пайтда ҳар бир фуқаронинг ўз вақтида тўловларини амалга ошириши электр энергияси тармоқларида янгиланган, реконструкция қилиш ва янги қурилиш ишларини ўз вақтида амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш демакдир.

**М.ИСҲАКОВ,**  
“Ўздавэнегрозорат” инспекцияси  
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

### Реклама ўрнида

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

**Барчангизни баҳор, гўзаллик,  
янгилашиш ва нафосат байрами  
— Наврўзи олам билан  
чин дилдан қутлаймиз.  
Кўкларимизга  
қувонч олиб келсин.**

**Ўтмиши буюк, келажаги порлоқ  
мамлакатимизда ҳар бир инсон аҳил-тотув  
ва бахтли-саодатли умр кечирсин.  
Мусаффо осмон, саховатли заминимиз  
узра тинчлигимиз абадий бўлсин!**

**“ТОШИССИҚҚУВВАТИ”  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**



**Спорт янгиликлари**

**ЧЕМПИОН МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ**

**Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган 3-тур баҳсларидан сўнг амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Локомотив" 4 очко билан еттинчи поғонада бормоқда.**

Чунки ҳар бир учрашув шиддатли курашларга бой, қизиқарли кечмоқда. Суперлига жамоалари сонининг 12 тага тушганлиги боисми, ҳар бир команда фақат ғалаба илинжида майдонга чиқаётгани айтиш ҳақиқат. Эътиборлиси, учрашувларнинг мурасасиз кечаётганлиги муҳлисларни бефарқ қолдирмапти. Виллоятлардагина эмас, ҳатто пойтахтимиздаги стадионларга ҳам кўплаб муҳлислар ташриф буюраётгани кувонари хол.

Учинчи турнинг қутилмаган натижаси Наманганда қайд этилди. "Навбахор" жамоаси ўз майдонида амалдаги чемпиони "Локомотив"ни қабул қилди. Дарвоқе, жорий йилда "Навбахор" жамоаси ташкил этилганлигининг 40 йиллиги нишонланмоқда. Шу боис "Навбахор" стадионига 25 мингдан зиёд муҳлис ташриф буюрди. Жорий йилги чемпионатда "Навбахор"нинг ўз майдонида биринчи ўйини айнан "Локомотив"га қарши ўтказилганлиги ҳам ҳеч бир муҳлисни бефарқ қолдирмади. Айтиш жоизки, шу кун майдон эгалари меҳмонларга қарши муносиб тўп суришди. Кўп ҳолларда "Навбахор" чемпион жамоадан устунлигини намойиш эта олди. Қизиқарли ва шиддатли баҳс наманганликларнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланди. Меҳмонлар дарвозасига Г.Пайкович ва А.Турғунбоев гол киритишди. Шундай қилиб, муҳим очколардан маҳрум бўлган "Локомотив" турнир жадвалининг 7-поғонасига таъсир қилган бўлса, "Навбахор" 7 очко билан иккинчи ўринга кўтарилиб олди. Шу кунгача наманганликлар ҳали мағлубиятга учрамаганликлари эса уларнинг жорий йилда совринли ўринларга даъвогарлик қилишларини кўрсатиб турибди.

Фарғонада "Бунёдкор"га муносиб қаршилик қилганига қарамай, "Нефтчи" футболчилари меҳмонлар дарвозасига йўл топа олишмади ва 53-дақиқада Хуршид Ғиёсов томонидан киритилган ягона гол "Бунёдкор"га муҳим ғалабани тўхфа этди.

Ушбу турда ноҳият "Пахтакор"га ҳам омад кулиб боқди. Ўз майдонида Олмалиқнинг АГМК жамоаси билан куч синашган пахтакорчилар мурасасиз ўйинини 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. "Пахтакор"дан – Т.Безерра, И.Гонсалвеш (пенальти), АГМКдан – И.Жокич (пенальти) голларга муаллифлик қилишди.

Қолган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди: "Бухоро" – "Сўғдиёна" – 3:0, "Металлург" – "Қўқон – 1912" – 1:0, "Қизилкум" – "Насаф" – 1:2.

Ўтказилган учта тур баҳсларидан сўнг 7 тадан очко жамғарган "Насаф", "Навбахор" ва "Бунёдкор" жамоалари 1, 2, 3-ўринларда боришмоқда. Бу жамоалар ҳамда "Металлург" клуби ҳозирча мағлубиятга учрамаган. Турнир жадвалининг 10, 11, 12-поғоналарини АГМК, "Сўғдиёна", "Қизилкум" жамоалари эгаллаб туришибди. "Қизилкум" ҳозирча барча ўйинларда мағлуб бўлиб, ҳали очко ололмаган.

Суперлига жамоаларининг мамлакат чемпионатидаги 4-беллашувлари 29, 30, 31 март кунлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**КУРАШЧИМИЗ ҲИНДИСТОНДА ЗАФАР ҚОЗОНДИ**

**Ҳиндистоннинг Пуни шаҳрида кураш бўйича Осиё чемпионати ўз яқинида етди.**

Турнирда қитъамизнинг энг сара полвонлари қатори юртимиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этишиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Ўзбек курашчилари нуфузли мусобақада ўнтак олтин, бешта кумуш ва битта бронза,

жами 16 та медаль жамғаришга муваффақ бўлдилар.

Кувонарлиси, 78 килограммгача вазнда чемпион бўлган таниқли спортчимиз Гулноза Матниязова аёллар ўртасида мусобақанинг энг яхши спортчиси деб топилди.

**БЕЛЛАШУВ САНАСИ МАЪЛУМ**

**Ўзбекистонлик профессионал боксчи Санжар Раҳмонов ўзининг навбатдаги жангини Лас-Вегасда ўтказди.**

Ушбу жанг жорий йилнинг 11 май санасига белгиланган бўлиб, ҳозирча унинг рақиби ким бўлиши ошкор қилинганча йўқ. Жангга тайёргарликларнинг биринчи боксчи Ўзбекистонда ўтказилса, кейинги машғулотлар Америка

Кўшма Штатларида давом эттирилади. Эслатиб ўтамиз, Санжар Раҳмонов олдин ҳам Лас-Вегасда рингга кўтарилиб, америкалик Хийлон Виллиамсга қарши чиққан ва нокаутга эришган эди. Бу ўнинг фаолиятидаги ўнинчи ғалабаси бўлган.

Санжар Раҳмонов профессионал фаолиятини 2015 йил июнь ойида бошлаган бўлиб, шу вақтга қадар 10 та жанг ўтказган. Унинг ҳисобида 10 ғалаба (5 нокаут) ҳамда 1 дуранг мавжуд.

**Ботир ХУЖАЕВ**

**СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС ЁШЛАР**

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан соғлом бўлишлари учун республика миқёсида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.**

Бунда албатта турли спорт мусобақаларининг ўрни катта. Турли спорт мусобақаларида спортсевар ёшлар иштирок этишмоқда, бу эса уларни республика, жаҳон миқёсидаги чемпионатларда қатнашишлари учун кўприк вазифасини ўтамоқда.

Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой УСТК" унитар корхонаси томонидан авиамодель спорт тури бўйича ўтказилган Тошкент шаҳар биринчи боксчи олимпиядаси мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

Келажагимиз ёшларини маънан бой, жисмонан соғлом ва бақувват ҳамда уларни қолми инсон қилиб вояга етказиш, миллий анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган мусобақани Мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши

раиси ўринбосари Умид Жўраев очиб берган бўлса, мусобақа бош ҳақами В.Юндин спортчиларни мусобақа шартлари ва тартиб-қоидалари билан таништириб ўтди.

Спортчиларнинг яхши, хуш кайфият билан мусобақани бошлашлари учун Яккасарой тумани маданият бўлими ҳамда 5-сонли мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ўз чиқишлари билан катта ҳисса қўшишди.

Мусобақада 18 ёшдан кичкина бўлган кичик ёшли спортчилар, 18 ёшдан юқори бўлган катта ёшли спортчилар якка ва жамоавий бўлиб иштирок этишди. Шиддатли ҳамда қизиқарли тарзда кечган мусобақада голиблар аниқланди. Мусобақа сўнггида фахрли ўринларни эгаллаган барча спортчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**"101" ТУШУНТИРИШ-ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛАЁТИР**

Пойтахтимизда ҳафтанинг чоршанба кuni – ёнгин профилактикаси кuni тadbирларини уюшқoқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги ва унинг олдини олиш борасида кенг қўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бoрилаётир.

Шайхонтоҳур туманидаги "Кўкча Дарвоза" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган учрашувда аҳолини қийнаётган масалалар кўтарилди. Айниқса, ўлкамизга баҳор кириб келган бўлса-да, ҳали-ҳануз кўп қаватли уй-жой фонди куз-қиш мавсумига тайёрлашни таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмай қoлиб кетаётганлиги, ёнгингарчилик даврида уйларнинг том қисмларидан чакка ўтиши ва унинг ортида носоз электр симларнинг қисқа туташувига олиб келиши, ертўлалари эса ёрилган трубалардан оқаётган сув дастидан кириш йўлақлар намланиб кетганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган ҳўжалик ва корхоналар раҳбарияти томонидан ёнгин хавфсизлигига масъул шахслар тайинланиб, улар томонидан ўзларига бириктирилган объектлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб туриши, ёнгинга қарши воситаларни доимо тахт қилиб қўйиши, юқори ташкилотларнинг бу тўғрисидаги қарорлари бажарилишини назорат қилиб туриши лозим. Ёнгин-қорювул муҳофазаси, ёнгин-техник комиссияси ва кўнгили ўт ўчирувчи гуруҳларни ташкил этилиши, шу билан бирга, уларнинг фаолиятини доимо назоратда бўлишлари тўғрисида ҳам ўтхалиб ўтилди.

**Муслима РАХИМОВА,**  
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта муҳандиси,**  
**майор**

Ёнгинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, иситиш ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман ёнгин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда ёнгин чиқиш ҳoллари кўплаб учрамоқда.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкни кўз қорачигидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши керак.

**А. ЯКУБАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентини Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ёнгин хавфсизлиги бўлимининг кичик инспектори, сафдор**

Учтепа тумани, Чилонзор 12-мавзеда жойлашган "AFROSIOB SERVIS" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатида қарашли уйларда мана бир неча йиллардан бери ёнгин хавфсизлиги бўйича текширувлар ўтказилиб келинади. Текширув натижасига кўра аниқланган камчиликлар учун ширкат раҳбари ва масъул ходимларга нисбатан МЖТКнинг 211-моддасининг 1-қисмига асосан маъмурий жарималар қўлланилганга қарамайдан, ҳозиргача ёнгинга қарши камчиликлар бартараф этилмайдан келмоқда. Бу эса ёнгинлар содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Шу ўринда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали ўзингиз ва яқинларингиз ҳаётини сақлаб қолганингизни эслатиб ўташимиз.

**Ислам ХУСАНОВ,**  
**Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант**

Бугунги кунда республикаимизнинг ҳар ерида замонавий бинолар ва уй-жойлар қад кўтарди. Мана шундай шинам чиройли масканлар борлигига шукроналар айтсанг арзийди, лекин биргина қилинган хато, эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш оқибатида кулфатлар келиб чиқмоқда.

Масалан жорий йил 16 март кuni Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчасидаги уйда ёнгин содир бўлди. Натижада хонадон ошхонасида ўрнатилган жиҳозлар, 1 та 4 комфорали маиший газ анжоми, 1 та музлатгич, 1 та юмшоқ ўриндиқли диван ва ошхона эшик-ромлари, 15 метр квадрат майдон ёнгиндан зарарланди. Хонадон эгасининг электр иситиш мосламасини назоратсиз қолдириш натижасида ёнгин келиб чиққан. Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, бундай қўнғилсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

Яшнобод тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари ёнгин содир бўлгандан, унинг олдини олиш афзаллигини эслатиб ўтади.

**Тоҳир ИСМОИЛОВ,**  
**Яшнобод тумани ЁХБ кичик инспектори**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтига 2018/2019-ўқув йили учун абитуриентлар танлови давом этмоқда**

Абитуриентлар танлови Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низом" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 5 мартда 2659-сон билан рўйхатдан ўтган "Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом" талаблари асосида амалга оширилади.

Олий ҳарбий божхона институтига кириш истагини билдирган абитуриентлардан аризалар қабул қилиш жорий йилнинг 1 февралидан 1 апрелига қадар амалга оширилади.

Маъмур институтга кириш истагида бўлган абитуриентлар доимий яшаш манзилидаги божхона бошқармаларининг Кадрлар хизматига мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг манзили: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 35-уй. Телефон: (371) 120-76-76. Факс: (371) 120-76-74

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 10.10.2017 йилда №547413 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "LUMPINEE FIGHT CLUB" МЧЖ (ИНН 305089114) таъсисчининг 26.03.2018 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Шайхонтоҳур тумани, В.Маликов кўчаси, 217-уйда қабул қилинади. Тел: +99893 585-23-05.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги автохўжалиги Дамас, Нексия, Ласетти, Малибу, Ниссан, Хундай ва ГАЗ русумли автомобилларига эҳтиёт қисмлари, аккумулятор батареялари, автошина ва ёқилғи мойлаш маҳсулотларини сотиб олиш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 283-77-38, 283-77-41.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси УАШ терапия ва клиник фармакология кафедраси доценти

**Мукаррам Шариповна ИБРАГИМОВНИНГ** вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автохўжалиги автохўжалика хўжалик моллари, электр моллари, қарбид, электрод, қурилиш моллари, ром учун ойналар, хар хил ҳажмдаги иситиш трубалари, турли рангдаги автобўёқлар, том ёпиш учун моллар сотиб олиш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Манзил: Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 34. Тел: 274-94-83, 274-19-14.

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

9, кундузи — 22-24 даража шик бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.